


Hoffmann mit Augen eines deutschen und usbekischen Juristen



Хофман немис ва ўзбек юристи нигоҳида



Хофман

немис ва ўзбек
юристи нигоҳида

Hoffmann

mit Augen eines deutschen
und usbekischen Juristen



**FRIEDRICH
EBERT
STIFTUNG**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

NATIONALES ZENTRUM FÜR MENSCHENRECHTE
DER REPUBLIK USBEKISTAN

ҲОФМАН
НЕМИС ВА ЎЗБЕК
ЮРИСТИ НИГОҲИДА

HOFFMANN
MIT AUGEN EINES DEUTSCHEN
UND USBEKISCHEN JURISTEN



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2013

УЎК:821.112.2:34

КБК:84(4Нем)

X-68

Ҳофман немис ва ўзбек юристи нигоҳида./Арвед Бломайер, Акмал Саидов. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 80 б.

ISBN 978-9943-27-124-1

Ҳар бир мамлакат тарихида шундай инсонлар бўладики, улар чиндан ҳам унинг миллий мулки, бойлиги ҳисобланади. Қомусий манбаларда “немис романтизми руҳи”нинг тимсоли сифатида ўчмас ном қолдирган улуғ ёзувчи Эрнст Теодор Амадей Ҳофман таваллуд топгандан буён икки асрдан ошиқроқ вақт ўтди. Ушбу рисолада Ҳофман сермазмун ҳаётининг яна бир қирраси – унинг юридик фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Рисоладан юридик фанлар доктори, Берлин очиқ университетининг собиқ профессори Арвед Бломайер ҳамда юридик фанлар доктори, қиёсий ва халқаро ҳуқуқ профессори Акмал Саидовнинг мақолалари ўрин олган.

УЎК:821.112.2:34

КБК:84(4Нем)

Таржимонлар:

Равшан Султонов, Мирзиали Акбаров

*Ушбу рисола Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси молиявий кўмагида chop
этилди*

ISBN 978-9943-27-124-1

© «Ҳофман немис ва ўзбек юристи нигоҳида». Арвед Бломайер, Акмал Саидов. «Янги аср авлоди», 2013.

ҲОФМАН
НЕМИС ВА ЎЗБЕК
ЮРИСТИ
НИГОҲИДА

Э.Т.А. ҲОФМАН-ЮРИСТ

*(Адиб таваллудининг 200 йиллигига бағишланган
маъруза¹.*

Берлин-Нью-Йорк: Де Грютер нашриёти, 1978)

Бугун биз таваллудининг 200 йиллигини тантанали нишонлаётган Эрнст Теодор Амадеус Ҳофман 46 йил умр кўрган ва у ўз ижоди ҳамда фаолиятининг атиги 20 йилида ҳуқуқшунослик ва бадиий ижод соҳасида шундай ажойиб натижаларга эришганки, унинг бутун истеъдодини, бир оз сийқа бўлса-да, биргина «универсал даҳо» деган сўз билан тўла-тўқис таърифлаш мумкин. У юрист, бастакор, дирижёр, муסיқа муаллими, муסיқа мунаққиди, рассом ва мусаввир ҳамда театр меъмори сифатида фаолият кўрсатибгина қолмай, балки пировардида ўз замонасида улкан муваффақиятга эришган, ҳамманинг диққат-эътиборига сазовор бўлган романтик ёзувчи даражасига ҳам кўтарила олган.

Унинг шахсига тўхталадиган бўлсак: ташқи кўриниши кичкина, ориқ, нимжонгина, жингалак сочли, нигоҳи ўткир, сачраб турадиган, жонсарак, абжир,

¹ Берлин музейи (собиқ Олий суд) биносида 1976 йилнинг 23 январь куни қилган ушбу маърузам матни ўзгаришсиз босилмоқда. Унга асос сифатида фойдаланган манбаларим қаторида, энг аввало, қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман: Ойген Волҳауптер, Юрист адиблар II (1955) 35-98 бетлар; Фридрих Шнаппнинг иккала тўплами; Э.Т.А. Ҳофман, Юридик асарлар (1973) ва Э.Т.А. Ҳофман дўстлари ҳамда таниш-билишлари хотираларида (1974), шунингдек, Улрих Ҳелмке қаламига мансуб «Э.Т.А. Ҳофман» (1975) номли ажойиб баён-ҳикоя (Муаллиф изоҳи).

чаққон, аччиқ киноя ва пичингга уста, ҳозиржавоб, ҳазилкаш, давраларнинг гули, улфат, ишқ бобида кўпинча омади чопавермаган бўлишига қарамасдан, аёлларни жон-дилдан севган хуштор, гўзалликка ошиқ инсон бўлган. У ўз замондошларига, ўзи тенги ақлли, совуққон эркакларга мўъжизакор бир тарзда маккорона жозибадор куч билан таъсир кўрсатган бўлса ҳам ажаб эмас. Бироқ шу билан бирга у — унинг феномени ҳам айнан мана шунда-да! — судьялик лавозимига оид барча жиддий, ҳуқуқий билимларни чуқур эгаллаган мартабали юрист ҳам бўлган.

Бир замонлар Пруссиянинг Олий суди жойлашган мана шу бинода у фаолият олиб борган, шу бинодан кириб-чиққан, мана энди бугун мен, у қадар сермазмун бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда соф юридик тилда адиб ҳақида хайрихоҳона мақтов сўз айтмоқчиман. Айни пайтда эса санъаткор кўз ўнгимизда худди ҳозиргидек, яъни ўз ишига ниҳоятда берилган, тушгача идоранинг ҳужжат ишларини битириб бўлиб, сўнг Таубенштрасседа жойлашган уйига шошиладиган, у ерда қўлёзма ва партитуралар² устида мук тушиб ишни давом эттирадиган, оқшомлари эса Луттер ва Вегенер ертўла-майхонасида дўстлари билан улфатчилик қиладиган, маълум ва машҳур замондошлари билан мунтазам хат ёзишиб турадиган, аччиқ, ўткир танқидий мақолалар битадиган ва эртаси куни яна судда ўз овозига эга бўлган ҳуқуқшунос сифатида намоён бўлиши лозим.

Мен ўз нутқимни унинг ҳаётидан бошламоқчиман. Эрнст Теодор Вилҳелм Ҳофман 1776 йил 24 январда

² Партитура — оркестр, хор учун ёзилган мусиқа асарининг айрим қисмлари мажмуи (шу ва бундан кейин келтириладиган барча изоҳлар таржимонники).

Кёнигсбергда дунёга келган. Амадеус – санъаткор номини унинг ўзи кейинчалик қабул қилиб, исми-шарифига қўшган. Ҳофманнинг отаси сарой судида адвокат бўлган; унинг авлод-аждодиди, ота-бобо-лари орасида поляк ва венгерлар ҳам бўлганми-йўқми, бу ҳанузгача исботланмаган. Лекин у бутун ҳаёти давомида негадир ёт-бегона ва ажнабийлардек та-ассурот қолдирган.

Бизни кўпроқ унинг келиб чиқишига доир юридик муҳит қизиқтиради. Ота-онаси тез орада ажрашиб кетишгач, Эрнст кенжа ўғил сифатида онаси ихтиёрида қолган; айна пайтда унинг тарбияси учун юрист қариндошлари ҳам ғамхўрлик кўрсатишган.

Ҳофман мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўзидан бир ёш катта бўлган Теодор Готтфрийд фон Ҳиппел билан дўст тутинган. Ҳиппел кейинчалик Пруссия давлат маслаҳатчиси ва ҳарбий Пруссия обер-президенти бўлган. У дўстига бир умр содиқ бўлган, гениал санъаткорнинг бошига, хоҳ иш (хизмат), хоҳ тирикчилик билан боғлиқ бўлсин, турли хил тақдир синовлари тушган пайтларда ҳар доим ёрдам қўлини чўзиб, уни қўллаб-қувватлаб келган. Улар универ-ситетда ҳам бирга ўқишган.

1792 йилда ўн олти ёшли Ҳофман Кёнигсбергдаги Албертина университетининг юридик факультетига ўқишга қабул қилинган. Албатта, у ўқишга азбаройи юриспруденцияга қизиққанидан кирмаган, балки бу бутунлай табиий равишда рўй берган, чунки юриспруденция мазкур оила аъзоларининг асосий ихтисо-си ҳисобланган. Ҳофман ёшлигиданоқ муסיқа ва расм солиш бўйича сабоқлар олган, бироқ санъаткор бўлиш ҳақидаги фикр ҳеч қачон унинг хаёлига ҳам келмаган.

Шу ўринда ўша даврда Пруссиядаги мавжуд ҳуқуқ ҳолати ва даражаси хусусида ҳам тўхталиб ўтсам: 1791 йилда Пруссия давлатида жуда катта,

улкан кодификация³, жами 17 мингдан зиёд моддадан иборат бўлган АЛР, яъни Дас Алге-майне Ландрехт⁴ эълон қилинган ва 1794 йилда қонун кучга кирган. Агар қиёслайдиган бўлсам, 2385 моддадан иборат БГБ, яъни Дас Бюргерлихе Гезетсбух (Фуқаролик кодекси) 1896 йили эълон қилиниб, 1900 йилнинг 1 январидан кучга кирган. Янги кодекс (БГБ)ни ўрганиш янги АЛРга қараганда анча осонроқ кечган бўлса керак, эҳтимол.

Ҳофманнинг ўқишлари жойида бўлган. У улуғ Кант маърузасини ҳам тинглаган, деб айта олмайман. Унинг ҳуқуқшуносликка бўлган муносабатини билиш учун мактубидан олинган биргина мазкур гап кифоя қилади деб ўйлайман: «Ўқиш секин ва зерикарли бормоқда – мен энди юрист бўлиш учун ўз-ўзимни мажбурлашимга тўғри келади».

Етти семестрдан сўнг, 1795 йилда Ҳофман ҳуқуқдан илк имтиҳон топширади. Баҳо эса қуйидагича бўлган: «Гарчи қарз шартномаси, заём ва бирор ҳуқуқнинг амалга ошиш ёки кучидан қолиш (бекор бўлиш) муддатига доир жавоблар ҳали билими тўла-тўкис эмаслигидан далолат берса ҳам, умуман олганда, анча яхши».

Ўша даврда Пруссияда адлия соҳасини ўқитиш шу тариқа олиб борилар, биринчи имтиҳонга қадар уч йил суд терговчиси, кейин референдарлик имтиҳонлари, стажёрлик давридан сўнг ниҳоят, ассессорлик⁵ имтиҳони топширилар эди.

³ Кодификация – маълум бир давр ичида чиқарилган ва амалда жорий бўлган қонунларни тўплаб тартибга солиш, қонунлар мажмуаси (кодекс) тузиш.

⁴ Ландрехт – Ўрта асрларда Германияда жорий этилган умумий (ер) ҳуқуқи, мамлакатдаги айрим ўлкаларнинг қонунлар тўплами.

⁵ Ассессор – иккинчи имтиҳонни топширгандан сўнг, маъмурий ёки суд тизимига тайинланадиган номзод, лавозим.

Ҳофман суд терговчиси этиб тайинланган ва Кёнигсбергга – Шарқий Пруссия ҳукумати ихтиёрига ишга юборилган. Аммо шу пайтда унинг оиласи олдида бошқа турар-жойга кўчиш муаммоси кўнданланг турган. Бунга Ҳофманнинг оилали бир аёлга бўлган эҳтиросли муносабати сабаб бўлиб, оила рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олмоқ истагида бўлган. Шунда Ҳофманнинг ўзи манзилини ўзгартирган – бундан ўзи ҳам енгил тортган – 1796 йил майида Глогауга келган, бу ерда уни тоғаси, адлия маслаҳатчиси Дёрффер меҳр билан кутиб олиб, унга ғамхўрлик кўрсатган.

Ҳофманнинг айнан шу даврда ёзилган хатларидан биридаги ушбу жумла кўпчиликда қизиқиш уйрогади: «Ҳафта кунлари мобайнида юристман, жуда бўлмайд қолганда, оз-моз мусиқачи ҳам бўламан, яқшанба кунлари расм чизаман, кечалари эса то тун ярмидан оққунга қадар ғалати ва аломат муаллифга айланаман». Бундан ҳуқуқшунос ва ижодкор Ҳофман ўзи учун характерли бўлган вақт тақсимотини нечоғли тўғри ва оқилона ташкил эта олганлиги кўриниб турибди.

1799 йилнинг июнь ойида Ҳофман Глогауда ўзининг иккинчи – референдарлик имтиҳонини муваффақият билан топширган. У бу сафар «суд жараёни, васийлик, омонатлар ва ипотека тартиб-қоидалари ҳамда Силезия ўлкасига оид қонунлардан» имтиҳон қилинган. Энди унинг натижалари «ҳамма ерда фавқулодда яхши» дея эътироф этилган; у «юқорида тилга олинган бўлимлар бўйича жуда равон ва чуқур билим ўзлаштиришга эришган». Бундан ташқари, у «тиришқоқлик ва чуқур фикр-мулоҳаза билан пухта ишлаб чиқилган синов реферати»ни ҳам ёзиб топширган.

Мазкур ёзма рефератнинг тўлиқ матни бизгача етиб келган, мен ҳозир шу ҳақда гапириб ўтмоқчиман.

Шарқий Пруссиялик бир мулкдор, катта ер эгаси Силезиядан бутун жиҳоз-пиҳозлари билан мулк сотиб олган ва уни ижарага бериб қўйган. Харид нархининг бир қисмини у вексел билан тўлаган, собиқ мулк эгаси эса векселни яна кимгадир бериб юборган. Тўлов муддати етиб келгач, векселлар тўланмай қолган ва Глогауда индоссантлар⁶ бунга қарши даъво билан чиққанлар. Бу орада харидор маъмурият топшириғи билан Шарқий Пруссияга хизмат сафарига кетган. У ерда у олди-сотди шартномасини суд йўли билан бекор қилиш ҳаракатига тушган, мазкур ишнинг Глогаудаги судга тегишли эканлиги юзасидан таллашиб-тортишган. Бироқ мулккий ҳуқуқ мавжуд эмас, чунки мулк унга фақат ижара тариқасида берилган бўлиб, уни кўрувчи суд идораси Шарқий Пруссияда жойлашган. Харидор энди жон-жаҳди билан ўзи истаган ва интилган олди-сотди шартномасининг бекор қилинишига қарши эътироз билдирган.

Энди Ҳофманга келсак: аввалига у жавобгарнинг ҳуқуққа эгалигини ва суд идорасининг унга тегишли эканлигини тасдиқлаган. Бунга асос: айбдор мулкни бутун жиҳоз-пиҳози билан сотиб олган ва ижарага берган, жўнаб кетаётганда эса маъмуриятни ўртага солган. АЛР қонун-қоидалари бўйича ўринли деб топилиши мумкин бўлган иккинчи яшаш жойининг «тилсиз» асослилигининг боиси ҳам мана шунда бўлган.

Мазкур ишни кўриб чиқишда Ҳофман АЛР томонидан чиқарилган фармойишга суяниб иш олиб борган. Ушбу ҳужжатга кўра, мулкдорлар векселни

⁶ Индоссант – вексель ёки шунга ўхшаш қимматли қоғозлардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа бирор кимга ўтказиб берувчи шахс.

фақат нақд пул мавжуд бўлган тақдирдагина тақдим этишлари лозим бўлган. Мазкур вазиятда эса бундай ҳолат мавжуд бўлмаганлиги сабабли векселлар ҳақиқий деб ҳисобланмаган. Хўш, унда векселлар ҳуқуқларини ўтказиш нима бўлади? Ҳофман уларни мақсадга мувофиқ равишда харид нархи даъвосининг цессиялари⁷ сифатида изоҳлаган. Бироқ энди мазкур даъвога жавобгар олди-сотди шартномасининг бекор қилинишини қарама-қарши қўйиши мумкин бўлган. Томонлар Шарқий Пруссияда бу ҳақда бир-бири билан судлашар эканлар, даъвогарлар ўз ҳуқуқларини воситачилар сифатида амалга оширишлари лозим бўлган. Шунинг учун Ҳофман юқорида қайд этилган ҳуқуқлар сақланиш шарти билан даъвони рад этиш тўғрисидаги таклиф билан чиққан. Ушбу мисолдан Ҳофман ёзган реферат бекорга яхши баҳо олмаганини тушуниб олиш мумкин.

Шундан сўнг референдар (стажёр) этиб тайинланган Ҳофман аввал Глогауда таҳсил олган. Кейинчалик тоғаси Оҳайм Дёрффер Берлинда олий трибунал махфий маслаҳатчиси этиб тайинлангач, Ҳофман ҳам у билан бирга кетган ва референдар сифатида илк бор Олий суд биносига қадам қўйган. Таҳсил бошланиб улгурмаёқ, у раҳбариятга маълум талаблар билан мурожаат қилган ва унинг талаблари дарҳол қондирилган. Ҳофман бу пайтда ўз фани, ўз соҳасига чуқур кириб борган. Унинг ўткир ақл-заковати афтидан материя (моддий олам, борлиқ)дан узлуксиз озиқланиб борган. У дўсти Ҳиппел билан бирга ассессорлик имтиҳонига пухта тайёргарлик кўрган ва уни 1800 йил феввалида «аъло» баҳога топширган. Бу пайтда у 24 ёшда бўлган. Шундан кейин у

⁷ Цессия – бирор талабга ён бериш, кўниш, рози бўлиш ва ҳоказо.

ассессор этиб тайинланган ва Позенга – Жанубий Пруссия ҳукумати ихтиёрига юборилган (ҳақ тўланмайдиган лавозимда ишлаш учун!).

«Жанубий Пруссия» деб аталмиш ўлкага Пруссия 1793 йилда Польшанинг иккинчи бор бўлинишида эга бўлган. У ерга кўпинча ёш, талантли ва ишчан, серғайрат юристларни юборишган, чунки қилиниши лозим бўлган ишлар ҳаддан ташқари кўп бўлган.

Ҳофман ўз иш фаолияти давомида раҳбариятнинг ишончини қозонган, хайрихоҳлигига сазовор бўлган ва шу тариқа унинг катта истиқбол сари хизмат йўли бошланган. У энди илк бор ўзининг ижодкорга хос табиатига мос келадиган ижтимоий турмуш тарзини топиб олгандек бўлган. Ўша даврларда Позен немис-поляк-яхудий тафаккури ўзаро кесишган жой ҳисобланган. Аслзода, зодагонлар ва буржуазия нафис санъат (рассомлик, мусиқа ва ҳ. к.) ривожини йўлида ғамхўрлик кўрсатишда бир-бирлари билан мусобақалашган. Ёш Ҳофман бошқа прус амалдорларига қарама-қарши ўлароқ немис бўлмаган давраларга ҳам кириб борар, улфатчилик, зиёфатлардан лаззатланар, бал ва шунга ўхшаш махсус кечаларга мунгазам бориб турган. Шундай кунларнинг бирида кутилмаганда ёшлик ғурури устун келиб, қизиқ устида ортиқча жасорат кўрсатиб, қовун туширган. Гап шундаки, у ажойиб рассом сифатида бошқармадаги жиддий амалдорлар ва зобитларнинг ниҳоятда кулгили карикатураларини ҳам чизиб юрган. Махфий сақланиши лозим бўлган ушбу расмлар аксига олиб, бир куни карнавал базмида «италиялик сурат сотувчи»нинг қўлига тушган ва сирдан барча огоҳ бўлган. Бундай шармандагарчиликка чидай олмаган генераллардан бири ўз расмларини тўплаттириб, ўша тундаёқ шикоят хати ёзиб Берлинга жўнатади. У ердагилар, албатта, суратларни кўриб, қотиб-

қотиб кулишган, лекин... энди Ҳофманни маъмурий жазо тариқасида бошқа жойга ўтказишган; 1802 йил баҳорида у Плоккда, Шарқий Янги Пруссия ҳукуматида регирунгсрат (катта амалдор, давлат хизматчиси) лавозимида иш бошлаган. Пруссия «Шарқий Янги Пруссия»ни 1797 йилда Польшанинг учинчи марта бўлинишида қўлга киритган.

Плокк Польшанинг уч минг аҳоли яшайдиган чекка, олис жойларидан бўлиб, Ҳофман учун бу ҳақиқий сургун бўлган. Шунинг учунми, бундайин хилват маконларда бўйдоқ ҳамкасблари қандай йўл тутган бўлса, у ҳам шундай йўл тутган – уйланган. 1802 йилнинг июлида у немис ота-онанинг асранди боласи, гўзал поляк қизи Михалина Рорер билан никоҳдан ўтган. Маълум урф-одат маъносида Ҳофман, албатта, бахтли бўлган. Михалина турмуш ўртоғининг мураккаб ва беором табиатини тўлиқ тушуниб ета олмаган бўлса-да, унга вафоли ёр бўлиб, эрининг бевақт ўлимига қадар бирга яшаган. Уларнинг якка-ёлғиз қизчаси Цецилия икки ёшидаёқ нобуд бўлган.

Плоккда иш етиб ортарли бўлган; Ҳофман қоғоз, ҳужжатлар устида ҳар куни ярим кечагача ўтириб ишлаган, шунинг баробарида мусиқий ва адабий ижодни ҳам давом эттирган. Шу тариқа орадан икки йил ўтгач, 1804 йилда яна дўстлари ёрдамида Жанубий Пруссия ҳукумати ихтиёрига, Варшавадаги Олий судга ишга юборилган.

Унинг Варшавадаги фаолият даври ҳақида, жумладан, шундай маълумотлар бор: «У ҳеч қачон қарор, ҳужжатларни чала қолдирмаган, суд мажлисларини ўз вақтида ва виждонан олиб борган, коллегияга эрталаб барвақт келиб, нокерак ишларга чалғимасдан диққат билан қаттиқ меҳнат қилган ва одатда кундуз бирга яқин ишларини яқунлаган, бошқалар эса бу пайтда эндигина иш бошлаётган бўлишган».

Ҳофманнинг ўзи ҳам бу ҳақда шундай деб ёзган: «Қоғоз ва ҳужжатларни партитураларга алмаштириш учун ҳам тез ва чаққон ишлашим керак». Бу ҳолат тафтиш вақтида ҳам ўз тасдиғини топган ре-гирунгсрат Ҳофманнинг зиммасида иш юзасидан ҳеч қандай қарзи йўқ.

Варшавада Ҳофман ўзига иккинчи содиқ дўст ор-тирган: ассессор Ҳитциг. У ҳам мусиқа ва адабиётдан яхши хабардор бўлиб, ўз эсдаликларида, жумладан, Варшавада бўлиб ўтган қуйидаги воқеани ёзиб қол-дирган:

1806 йилнинг август ойида Қиролнинг таваллуд айёми муносабати билан тантанали концерт бўлиши керак бўлган. Тантана ўтказиладиган сарой эса ҳали тўлиқ таъмирланмаган. Ёш Ҳофман нафақат концерт зали ва бошқа хоналарни жиҳозлаш ва безатиш, балки ўзи нарвонда туриб, расм солиш ишларини ҳам назо-рат қилган. Шу пайт кутилмаганда шартнома тузиш учун ҳамкор томон вакиллари келиб қолган ва улар кенг саройда у ёқ-бу ёққа аланглаб, мутасаддиларни сўраб-суриштира бошлашган. Шунда Ҳофман бамай-лихотир пастга тушиб, сюртугининг орқа этаklarини қилпиратиб, меҳмонларга пешвоз чиққан ва мўйқа-ламини энди қаламга алмаштириб, шундай бекамикўст юридик ҳужжат тузганки, унга ҳар қандай ўткир та-нқидчи ҳам лом-мим деёлмаган. Ниҳоят, саройга кел-сак: у энди яп-янги либосда манаман деб савлат тўкиб турган. Ҳофман бўлса, тантанали концертга дирижёр-лик қилаётган, Ҳитцигнинг ёзишича, томошабинлар «унинг симобдек чаққон ва питраклигига қарамасдан ўзини энди бинойидек вазмин ва сипо тутаётганига қойил қолиб ўтиришган».

Шундай ажойиб даврлар 1806 йилнинг кузида бир-данига поёнига етган: Пруссия ҳалокати, Наполеон-нинг Варшавага кириб келиши, Жанубий Пруссия ҳукуматининг тарқатиб юборилиши, барча амалдор,

мансабдорларнинг ишдан бўшатилиши ва ҳоказо. Энди ким Варшавада қолишни истаса, Наполеонга бўлган садоқати тўғрисида қасамёд қилиб, бўйсунмиш ҳақида баёнот ёзиб топшириши керак бўлган, акс ҳолда ҳайдаб чиқарилган. Ватанпарвар Ҳофман қасамёд қилишдан бош тортган.

Кейинги, 1814 йилгача бўлган саккиз йил юридик вакуум (бўшлиқ) даври бўлган. Ҳофманнинг яна қайта давлат хизматига кириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари муваффақиятсиз кечган; қашшоқлашган Пруссия давлати ҳар томонга қувиб юборилган ўз амалдор ва хизматчиларининг бошини қовуштириб, жойлаштиришга ожиз бўлган. Ҳофман энди фақат ўзининг ижодкорлик истеъдодига қараб қолган бўлиб, обрў-эътиборини сақлаб қолиш учун офир саргардонлик йилларида ҳам регирунгсрат унвонидан воз кечмаган.

1806–1808 йилларни Ҳофман ниҳоятда қашшоқликда ўтказган. Тўғри, унга ҳар доим дўстлари Ҳиппел, шунингдек, юридик фаолиятини эл қатори тўхтатишга мажбур бўлган ва Берлиндаги нашриёт китоб савдосида ишлаётган Ҳитциг ҳам ёрдам бериб турганлар. 1808 йилда Ҳофманга омад кулиб боққан; у Бамбергда капельмайстер (хор ёки оркестр раҳбари, дирижёр)ликка таклиф қилинган.

Бу ерда у тез орада кўпчиликнинг диққатига сазовор энг эътиборли кишилардан бирига айланган ва оқшомлари шаҳарчадаги «Гастхаус цур Розе» ресторанини гуллата бошлаган. Ҳофманнинг ташрифлари ресторан хўжайинининг бир неча минг гулден қўшимча маблағ ишлаб олишига ёрдам берган бўлса ҳам ажабмас. Туш пайтиданоқ у кечки базмларнинг гули – қизиқчи жаноблари бугун ҳам ташриф буюрадиларми, дея сўраб-суриштиришга тушар, ижобий жавоб олган заҳоти чопарларини ҳар томонга зир югуртириб, шаҳарчанинг аслзода, аъёнларига

хушхабарни тезроқ етказишга шошилган. Кечқурун-лари эса ресторан сўзсиз ўз-ўзидан мижозлар билан тўлиб-тошар, ушбу манзара нимаси биландир Ҳофманнинг Олий судда ишлаб юрган кезлари Луттер ва Вегенер қовоқхоналарида ўтказган ажойиб дамларини эслатарди. Ҳофман 1813 ва 1814 йилларда Дрезден ва Лейпциг шаҳарларида ҳам капель-майстер бўлиб ишлаган. Шу даврда у ўзининг «Ундина» номли операсини ёзиб тугаллаган, бундан ташқари «Тилла хумча» ва «Шайтон эликсири» сингари дурдона асарларини яратган.

Шундай қилиб, Ҳофман 1814 йилда Берлинга қайтиб келган пайтда, адабиёт оламида танилиб улгурган эди. Келган куниёқ дўстлари унинг шарафига зиёфат уюштирганлар. Унда берлинлик барча машҳур, донғи чиққан романтик адиблар Людвиг Тик, Адалберт фон Шамиссо, Фридрих де ла Мотте Фуке, таниқли мусаввир ва муסיқачилар иштирок этганлар. «Улар менга ортиқ даражада кайфичоғлик, вақтичоғлик бахш этдилар», деб қайд этган эди Ҳофман бу ҳақда ўз кундалигида.

Шу ўринда айтиш керакки, унинг Берлинга қайтиб келишдан мақсади — келгусида ўзининг эркин ижодини молиявий жиҳатдан мустаҳкам таъминлашга интилиш бўлган. Адлия соҳасида у энди бирор юқори лавозимга умид қилмаса ҳам бўларди, шунинг баробарида у бошқа соҳада аллақачон етарли шон-шуҳрат ва обрў-эътибор қозона олган эди. Шундай бўлса-да, унга дўстлари Олий суддан ҳалиям ҳеч бўлмаганда ёрдамчи ходимлик вазифасини тўғрилаб бериш имкониятига эга эдилар — дўсти Ҳитциг ҳамон у ерда, ўша вазифада ишлаётган эди. Адлия Пруссияда аста-секин илгари силжиётган давр эди.

Ҳофман ва Ҳитциг ниҳоят, жиноий ишлар бўйича Сенатга ишга юборилган. Ҳофман фақат суд ҳукм-

ларидан тушадиган йиғимлар ҳисобидан маош олган ва 200 талер⁸ миқдорида икки мартаба мукофот пули ҳам олган.

Икки йилдан сўнг, 1816 йилда у Олий суд маслаҳатчиси этиб тайинланган ва жиной ишлар бўйича Сенат аъзолигига қабул қилинган – 1806 йилдан буён орадан 10 йил ўтиб кетибди!

Лекин унинг хизмат стажига регирунгсрат этиб тайинлангандан буён, яъни 1802 йилдан бери ўтган бутун давр қўшиб ҳисобланган.

Дарвоқе, 1816 йил яна бир томондан ҳам омадли йил бўлган: 3 августда Ҳофманнинг «Ундина» номли операси Жандарменмаркетда жойлашган Қирол драма театрида (саҳнани жиҳозлаш ишларига Фрийдрих Шинкел бош-қош бўлган) зўр муваффақият билан қўйилган ва бу воқеа Олий судда барчани бирдек ҳаяжонга солган. Премьерага барча касбдошлар гениал юрист-санъаткорни олқишлаш учун маъшуқалари билан бирга ташриф буюрган, у эса мафтункор асар қаҳрамони ишқида ўртаниб ёниш билан банд бўлган. Ушбу асар саҳнада 15 марта ижро этилган ва ҳар гал қўйилганда чипталар талаш бўлиб, битта қолмай сотилган. Шундан сўнг, 1817 йилнинг июлида кутилмаганда бахтсиз воқеа рўй берган: театрга ўт тушиб, бутун декорация (саҳна жиҳозлари) ёниб кул бўлган ва қайта тикланмай қолиб кетган.

Ҳолатларнинг ғалати ўхшашлиги: Жак Оффенбахнинг «Ҳофман ҳикоялари» номли операсининг премьераси 1881 йилнинг 7 декабрида Венадаги Ринг театрида зўр муваффақият қозонган, бироқ иккинчи бор қўйилишидан олдин... саҳна ёниб кетган ва опера 1905 йилдагина иккинчи марта, у ҳам бўлса Берлиндаги комик опера театрида ижро этилган.

⁸ Талер – 3 марка қийматидаги эски немис тангаси.

Бундан 150 йил илгариги Олий суд маслаҳатчиси-нинг касбий фаолияти тўғрисида гапириш шу жиҳатдан ҳам қийинки, унинг ҳақида эълон қилинган фикр-мулоҳазалар аллақачонлар суд ҳужжатларига қўшилиб йўқолиб кетган. Уларнинг фақат оз қисмигина шахсий ёзишмалар, эсдалик, хотиралар тарзида сақланиб қолган. Бу ҳақда гапиришдан олдин мен Ҳофманнинг сиёсий қарашлари хусусида ҳам бир озгина тўхталиб ўтмоқчиман.

1816 йил – озодлик учун олиб борилган жанглардан олдин ва шу урушлар ичида қизгин юзага келиб, етилган жўшқин сиёсий орзу, умидларга тўла давр бўлган. Улар ҳукмрон партикуляризмга⁹ бутунлай зид равишда – бирлашган ягона немис ватанини, қолаверса, ҳукмрон абсолютизм – мустабид ҳокимиятга қарши бутунлай зид тарзда – озод жамиятни барпо этишга қаратилган эди.

Албатта, ўшанда ижодкор, санъаткор Э.Т.А. Ҳофманнинг қалби ҳам бирлик ва озодлик ҳақидаги ғоялар билан тўлиб-тошган бўлса керак, эҳтимол.

Йўқ, асло ундай эмас эди. Бутун умри давомида Ҳофман, энг аввало, санъаткор, ижодкор бўлган ва сиёсий дастурлар уни унчалик қизиқтирмаган. Унинг ўз фикр, қарашлари бўлиб, улар – барча замондошлари таъкидлаганидек – аниқ ва қатъий бўлган: Ҳофман Наполеонга содиқликка қасамёд қилишдан бош тортган ватанпарвар – судья сифатидаги давлат вакили бўлган. У ҳокимиятга қарши исён, ғалаён хусусидаги ҳар қандай фикрни аввалбошданоқ рад этган. Лекин аксинча, полиция ўзбошимчалиги, зўравонлигига қаттиқ қарши турган. У мустаҳкам иро-

⁹ Партикуляризм – мамлакатдаги айрим улкаларнинг умум-давлат манфаатлари билан ҳисоблашмасдан фавралаиб чиқиб, мустақил бўлишга интилиши.



дали судья сифатида қонунни дадил ҳимоя қилган, ўткир ақл-заковат соҳиби, чуқур ҳуқуқий билимга эга бўлган юрист сифатида адолат тантанаси йўлида оғишмай хизмат қилишга интилиб яшаган.

Энди мен сизларга Олий суд маслаҳатчисининг бошқалар қалбида қолдирган таассуротлари билан боғлиқ бир воқеани айтиб бермоқчиман. Ана шулардан бири фрау Ҳелмина фон Шези бу ҳақда ўз мемуарларида шундай ёзади: халоскорлик урушларида кўнгилли санитар сифатида қатнашган хоним 1816 йилнинг 10 январида генерал фон Гнайзенауга ёзган хатида Бельгия ва Райн лазарет (ҳарбий касалхона)ларида ярадорларга ёмон муносабатда бўлишаётгани ҳақида шикоят қилиб, ёрдам сўраган. Арзнома юзасидан ўтказилган тергов-суриштирув жараёнида ярадорларни текшириш комиссияси нима қиларини билмай, боши қотиб, кутилмаганда ишни Кёльн округ суди ихтиёрига топширган. Суд эса «ҳақоратнома» ёзгани учун Шези хоним ҳисобидан 1000 франк пул ва бошқа харажатларни тўлаттириш мажбурияти билан унга бир йил қамоқ жазоси тайинлаган. Иш ниҳоят, Олий судга келиб тушган ва уни кўриб чиқиш Ҳофманга топширилган. Шу ерда Шези хонимнинг ёзишмасидан айнан келтираман:

«Ҳофман протокол тузаётганда мени ҳимоя қилиш учун ўргатган сўзларини ёдлаб олишни истардим; улар, чунончи, Гнайзенау номига ёзилган хатнинг энг кўп «айб» қўйилган жойи билан боғлиқ эди». Ва ўша жойда шундай сатрлар бор эди: «(Ярадор аскарлар) Вилке ва Тидега нисбатан разолат». Шези хоним яна давом этади:

«Бу ҳақда Ҳофман тахминан шундай сўзларни айтган эди: Буни ҳақорат деб атаб бўлмайди, чунки жазоланиши лозим бўлган бирон-бир иш ёки ҳаракатни у, яъни ўша иш, ҳаракат қандай ҳис қилинса,

шундек таъриф бера оладиган сўзлардан бошқача ифодалаш мумкин эмас».

Унинг ўзига хос фаолияти ҳақида яна бир жумла:

«Ҳофманнинг мулоҳаза билан, ўйлаб иш юритиши туфайли ҳақ эканлигим исботланиб, ҳақиқат қарор топди. Мени сўроқ қилишлар қонун доирасида олиб борилди. Ўткир ақл, зийраклик билан тузилган протоколлар чоп этилади дейилганда, тўғриси, улар йўқ қилиб юборилган бўлса керак, деб қўрқдим. Ҳофман ўз бурчининг шаъни ва масъулиятини ниҳоятда чуқур ҳис қилар эди. Бечора жабрдийдаларга меҳрибон она сингари гамхўрлик кўрсатганлиги учун тинч, хотиржам турмушидан Мосуво бўлган бир бегуноҳ, беғубор аёл муқаддас эзгу амали учун шармандаларча қамалиб кетишдан қутулиб, жаҳаннам қаъридан сақлаб қолинди».

Пировардида эса шуни қўшимча қиламанки, мазкур иш жабрланувчи аёл фойдасига тўла оқлаб ҳукм чиқариш билан яқун топган.

Ҳофманнинг жинойи ишлар бўйича Сенатдаги фаолиятидан гувоҳлик берувчи қўшимча ҳужжатлар — унинг раҳбари фон Трючлерга тегишли (1816 йилдан 1819 йилгача бўлган) йиллик ҳисоботлардир. Мен ҳозир улардан йилма-йил айрим жумлаларни ўқиб бермоқчиман.

1816 йилги ҳисобот:

«У ўзининг ажойиб ёзиш услуби, моҳирона ва аниқ тасвир-таърифи, қонунлар мазмун-моҳиятига чуқур ёндашиши билан коллегияга катта фойда келтирмоқдаки, бу мақтовга сазовордир».

1817 йилги ҳисобот:

«40) ёшга тўлган ва умрининг ярми давлат хизматида ўтаётган Ҳофман ҳақиқий фаол аъзоларимиз ўртасида муносиб биринчи ўринни эгаллайди. Агар уни ўғирлик, қонунбузарлик ва шунга ўхшаш иш-

лар билан банд қилиб қўйганимда, унинг ажойиб истеъдодини етарли даражада қадрлай олмаган бўлар эдим. Лекин ўзи маънавий озуқа оладиган қийин, офир ишларда аниқлик ва зийракликда ҳеч ким унинг олдига туша олмайди».

1818 йилги ҳисобот:

«Баъзан бўш вақт ва дам олган пайтларида шуфулланиб турадиган ёзувчилик ишлари унинг ғайрат-шижоатига путур етказмайди. Унинг кўпинча кулгига мойил бой фантазияси судьялик фаолиятига хос бўлган совуққонлик ва жиддийлик билан ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетади».

1819 йилги ҳисоботдан атиги бир жумла:

«Гениал ёзувчининг қўлидан жиддий иш келмайди, дегувчиларнинг тушунчаси нотўғри эканини ҳали ҳеч ким Ҳофманчалик бошлаб исбот қила олгани йўқ».

Ҳисоботларда келтирилган ушбу фикр-мулоҳаза, хулосалардан Сенат раисининг ижодкор сифатида танилган ўз ходимининг юриспруденция соҳасида эришган ютуқларига нечоғли диққат-эътибор билан қараб, ҳолисона баҳо берганлигини англаб олиш қийин эмас.

Олий суд маслаҳатчиси Ҳофманнинг зиммасига юклатилган яна бир қўшимча – маошсиз – вазифа, яъни унинг «Хоинона бирлашмалар ва бошқа хавфли фитна-найранглари текшириш бўйича бевосита давлат бошлиғига бўйсунувчи тергов комиссияси»га аъзолиги ҳақидаги ҳужжатлар бахтли тасодиф туфайли бизгача етиб келган. Комиссия Маҳкаманинг 1819 йил 16 сентябрдаги буйруғига асосан тузилган ва Ҳофман раҳбарият тавсияси билан комиссия ишига жалб этилган – қандай ўзига хос муваффақият бу! Сенат раиси фон Трючлер бошчилигидаги мазкур комиссия расман жинойт тергов очиш ваколатига эга бўлиб, суд доирасидаги барча ҳуқуқларни тасарруф этар эди.

Комиссияга тегишли ҳужжатлар, шунингдек, Ҳофман фаолияти юзасидан билдирилган фикр, хулосаларнинг асл нусхалари махфий давлат архивиде сақланиб қолган. Уларнинг ичидан энг муҳимини, чунончи, «жисмоний тарбия отаси» бўлмиш Людвиг Ян иши билан боғлиқ ҳужжатни танлаб олдим.

Мазкур иш тарихда «демагогларни таъқиб қилиш» деган ном билан қолган. Унга тааллуқли икки воқеани келтириш kifоя: 1817 йилда бўлиб ўтган буршеншафтлар (талабалар уюшмалари)нинг Вартбург намоишида реакцион руҳдаги асарлар, жумладан, Пруссия полиция вазирлиги директори Карл Албрехт фон Кампцнинг «Жандармерия кодекси» ҳам ёндириб юборилган 1819 йилда Коцебу талаба Занд томонидан ўлдирилган. Шундан сўнг, талабалар уюшмаларини, жисмоний тарбияни, гимнастикани тақиқлаш ва цензурани жорий этиш тўғрисидаги бадном Карлсбад қарорлари пайдо бўлган.

Шундай таъқиблар давомида Ян 1819 йил июлида Берлинда жаноб фон Кампц қўл остидаги полиция томонидан ҳибсга олинган. Сентябрь ойида эса Янке исмли регирунгсрат Немис Иттифоқи деб аталмиш қандайдир махфий ташкилотнинг ҳуқуқбузарликлари ҳақида хабар берган. Ушбу ташкилот бошиданоқ немис ўлкаларининг конституцияларини бекор қилиш ва бутун Германияни ягона республикага бирлаштиришдек хоинона тенденция (ғоя)ларга амал қилиб келган ва бу тенденция ҳамон давом этаётган экан. Ян ташкилотни тузганлардан бири бўлиб чиққан. Янке бу ҳақда хабар берар экан, ўзи ҳам илгари ана шу ташкилотга аъзо бўлганини далил сифатида келтириб, маълумотларнинг ҳаққонийлигига ҳозирги хизмат жойи ҳаққи онт ичган. Хоинликда айбланувчининг ишини кўриб чиқиш ҳуқуқи бевосита давлат бошлиғига бўйсунувчи тергов комиссиясига берилган, мазкур масала юзасидан маърузачи эса судья

Ҳофман бўлган. У Янга қўйилаётган олти жиноий айбни далиллаш учун дастлабки тергов олиб бориши лозим бўлган. Мен шулардан учта энг муҳимига тўхталиб ўтмоқчиман:

1. «Немис Иттифоқи» деб аталмиш махфий ва хоинона бирлашмани тузишда қатнашган ва узоқ муддат унинг сафида бўлган.

Ҳақиқатан ҳам 1810 йилда «Немис Иттифоқи» деб ном олган яширинча ташкилот тузилган. Ян унинг асосчиларидан бири бўлган. Бироқ хоинона тенденция дегани нима ўзи ва у қандай қилиб пайдо бўлган? Ян сўроқ пайтида бу ҳақда шундай тушунтириш берган: «Жамиятнинг Ватанга ишонч-эътиқодини асраб қолишдан бошқа мақсади бўлмаган. Унинг асосий шиори фақат давлат учун у билан биргаликда ҳаракат қилишдан иборат бўлган. Наполеоннинг маҳаллий ҳукуматга қарши чоралар қўллашига йўл очиб бермаслик учун ташкилот сир тутилган. У, яъни ташкилот келгусида Франция билан бўладиган курашни ҳам кўзда тутиб, ўз аъзоларини отиш ва қилич-бозлик машқларига жалб қилиб, шуғуллантириб берган.

Комиссия яна бир талай кишиларни сўроқ қилган. Тергов натижасида Янке «Немис Иттифоқи» аъзоларига қарама-қарши қўйилган, бир-бирига зид фикрлар юзага келиб, у ишончсиз таассурот қолдирган. Шундай қилиб, тақдим этилган далил ва ҳужжатларни ўрганиб чиққан Ҳофман қуйидагича хулосага келган: «Иттифоқнинг хоинона тенденцияси юзасидан билдирилган жиддий тахминларни асослай оладиган далиллар келтирилмаганлиги, аксинча, айбдор шериклари у қадар ишончли гувоҳлар бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда улар берган маълумотларнинг махфий маълумотчиникига зид, бироқ очиқ, эркин, бир-бирига боғлиқ ва мос келаётганлиги ҳамда қисман гувоҳларнинг шахсий характер

ва муносабатлар нуқтаи назаридан давлат диққат-эътиборига лойиқ эканлиги, қолаверса, ҳақиқатни яширмаётганликлари учун уларга тўлиқ ишониш мумкин».

Шу билан «хоинона тенденция» деган тушунчага ҳам чек қўйилган.

Бироқ яна бир масала очиқ қолаётган эди: Махфий Иттифоқ сафида бўлишнинг ўзи жазога лойиқ эмасмикин?

Бугунги кунда бизга «Немис Иттифоқи» деган таърифнинг ўзи ғалати туюлади; Иттифоқ французлар ҳукмронлиги даврида Ватан манфаатларини кўзлаб яширинча фаолият олиб борган!

Шунга қарамасдан Ҳофман энг муҳим ҳужжатларни, жумладан, қуйидаги учта фармон ва фармойишларни бирма-бир кўздан кечириб чиққан: АЛР, агар давлат ва унинг хавфсизлигига таъсир кўрса-тадиган бўлса, бундай «махфий бирлашмалар» ҳақида фуқаролар хабар беришга мажбурдир, акс ҳолда улар жазога лойиқ, деб ҳисоблайди.

Иккинчи ҳужжат 1798 йилги фармони олий бўлиб, унга кўра ўз ният ва мақсадларини яширган ёки ҳеч кимга билдирмасликка уринган бирлашмалар фаолияти тақиқланган.

Ниҳоят, 1816 йил 6 январда Қирол фармойиши эълон қилинган, унинг бирдан-бир мазмуни юқорида тилга олинган фармон ва қонунларни яна бир бор «эслатиб қўйишдан» иборат бўлган.

Мазкур қонун-қоидаларга мувофиқ, махфий ташкилотларга аъзолик сўзсиз жазога лойиқ бўлиши турган гап!

Ана энди «Немис Иттифоқи» анча йиллардан буён мавжуд эмас эди. У халоскорлик урушлари бошлангандаёқ тарқаб кетган, чунки ўз мақсадига эришиб бўлган. Янкенинг Иттифоқ ҳамон мавжуд, деган фик-

ри рад этилиб, нотўғри эканлиги тўла-тўкис исботланган. Хўш, энди шундан кейин ҳам Иттифоқ аъзоларини таъқиб остига олиш жоизмиди?

Ҳақиқатан ҳам, ўша даврларда «реставрация» (тиклаш, асл ҳолига келтириш) ишлари шу қадар авжига чиққандики, кутилмаганда, тўсатдан жамоатчилик хаёлига ҳар қандай бемаъни фикр келиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Ҳофманнинг қайд этишича, «сохта, ёлғондакам махфий ташкилотлар хусусида шундай бир ёмон жанжал, ур-йиқит бўлган ва туппа-тузук одамларнинг обрўсига путур етказилган» — қисқаси, фирт бемаза сиёсий муҳит ҳукм сурган!

Ҳофманнинг ёзишича, ўша бемаза жанжалга 1816 йил 6 январда чиққан «доно фармойиш» ниҳоят, чек қўйган. Унда, чунончи, қонуннинг ўша пайтдаги ҳолати «эслатилганди», холос. Лекин Ҳофман фармойишга кириш сўзи ҳам ёзган; уни сизларга ўқиб берай. Демак, Қирол шундай дейди:

«Бизлар давлатларимиз ҳудудида махфий бирлашмаларнинг мавжудлиги тўғрисидаги жанжалли фикр-мулоҳазалар ва ҳақли эътирозларни сезиб турибмиз. Ватанимиз бошига тушган оғир мусибатли дамларда ахлоқий-илмий уюшмага ўзимиз ижозат берганмиз, у эзгулик иттифоқи номи билан маълум, чунки уни бизларга оғир кунларда руҳий кўтаринкилик ва жасорат бахш эта оладиган яхши фазилатлар ҳамда ватанпарварлик ғояларини элтувчи восита деб билганмиз... Шундан сўнг қалблари иймон-эътиқод ва ишонч туйғулари-ла тўлиб тошган халқимиз Яратганнинг мадади билан Ватанни сақлаб қолишга муяссар бўлди... Мана, энди юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган экан, ҳар бир фуқаро шундай ажойиб тарзда синовлардан ўтган миллий тафаккурни яқдиллик билан асраб-авайлашга ва қонунларга оғишмай амал қилиб яшашга интиломи лозим... Энди бундан буён яширин бирлаш-

малар фақат зиён келтиради ва ана шу эзгу мақсадларимизга тўсқинлик қилади».

Мазкур муқаддима фармойишга ўзига хос маъно ва мазмун бахш этгани, шубҳасиз. Бу ҳақда Ҳофманнинг ўзи шундай ёзган:

«1. Бугунга қадар мавжуд бўлган махфий иттифоқларнинг мақтовга лойиқ мақсадлари ва ижобий таъсири тан олиниб, шу сабабли улар жазога мустаҳиқ иш-ҳаракатлар тоифасидан чиқарилди, бироқ ўша мақсадларга эришилганлиги важдан, фармойиш чиққан вақтдан бошлаб... шу хилдаги ташкилотлар энди жазога лойиқ деб ҳисобланадилар.

2. Фармойиш тааллуқли деб ҳисобланиши лозим бўлган «эзгулик иттифоқи» ҳеч бир ягона ташкилот эмас, балки мисол тариқасида келтирилмоқда, холос».

Бироқ шу билан махфий бирлашма бўлмиш «Немис Иттифоқи»га аъзолик жазодан озод қилинган.

Мазкур фармойишнинг муқаддимасидан келиб чиқадиган талқин бугунги кунда бизга ўз-ўзидан мутлақо тушунарли, деб ўйлайман. Лекин ўша замонлар учун бу нарса чиндан ҳам сиёсий жасоратнинг ўзгинаси эди. Шу боис Ҳофман фаолияти юзасидан билдирилган фикр-хулосаларнинг бирида унга жаноб фон Кампц томонидан «ҳужум» уюштирилганлиги ҳам бежиз эмас.

2. Янга қўйилган яна бир айб, чунончи давлат учун хавфли фикр, қараш ва хатти-ҳаракатларнинг ёйилиши, қолаверса, энг аввало, унинг халқ руҳи ва халқчиллик мавзусидаги оммавий чиқишлари билан боғлиқ бўлган. Ҳофман Яннинг маърузалари билан танишиб чиққан. Унинг уқтиришича, уларда «мавжуд давлат конституцияларига норозилик туғдирадиган ҳеч нима йўқ» эди. Аксинча, у маъруза матнидан Янга хос бўлган эҳтиросли услубда иқтибос келтирган:

«Тилимизда ҳақли равишда кескин ўзгаришлар деб аталадиган мажбурий ислоҳотларни вулқоннинг отгилиб чиқиши дейиш мумкин. Бунинг натижасида ажойиб далалар ва экинзорлар раҳм-шафқатсиз тарзда харобазорга, тинчликнинг муқаддас, бегуноҳ тартиботи кулга айланади. Дунё давлатларидаги кескин ўзгаришлар бундан ҳам ёмон: уларнинг оловли оқими ўтган жойларда бутун-бутун авлодлар қиргин қилинди; тўлғоқ азобидан инграётган давлат тупроғи халқлар қони-ла бойитилиб, қурбонларнинг чириган мурдалари узра кейинроқ янги дунё пайдо бўлди. Кимки агар тўдалар билан тил бириктириб, қўзғалонлар, исён ва ғалаёнларни бошлаб, гуноҳ ва қотиллик билан фаровонликка эришмоқ истаса — унинг телбадан фарқи қолмайди, башарти восвоси қўзиб, қутургудек бўлса, унга дарҳол кишан солмоқ керак».

Иқтибос хусусида Ҳофман шундай дейди: «Дурустгина фикрлар билан ёнма-ён ғирт парадоксал (ақлга, мантиққа тўғри келмайдиган, ғалати) гаплар, ниҳоятда қалтис, таҳликали ғоялар деймизми, қолаверса, ҳурматли шахсларга қарши қаратилган аччиқ ҳамлалар, буларнинг барчаси қаёқдан пайдо бўлади, ҳайрон қоласан, киши...»

Бунинг боиси, Ян ҳеч нарсадан қўрқмаган; у қуйидагича мудофаа режасини ҳам ишлаб чиққан: Мамлакат душманга бас келолмадими, уни сунъий саҳрога, ўтиб бўлмас тўқайзорга айлантириб, чор-атрофини кўллар билан ўраб олиш керак; у ерга йиртқич, ваҳший ҳайвонларни қўйиб юбориб, керак бўлса, уларни боқиб туриш лозим.

Қайсидир элчихона махфий маслаҳатчисининг суверенитет (мустақиллик) тўғрисидаги ўта расмий мулоҳазаларини Ян мухтасар қилиб, «бўлмагур гап, кесакдан ҳам ўт чиқибди-да», дея танқид қилган. Албатта, бу ўтакетган қўполлик, аммо унда давлатга қарши ҳеч қандай жиноий ҳаракат йўқ.

3. Ниҳоят, учинчи айбга келсак. Хатарли фикр ва қарашларни гимнастика, жисмоний тарбия орқали тарқатиш. Ҳофман Яннинг гимнастика машқларидан ўқувчиларга хатарли фикр ва қарашларни сингдириш учун фойдаланганини исботлайдиган ҳеч қандай далил йўқлигини олдиндан айтиб ўтади ва сўзида давом этади: «Жисмоний тарбия аслида янгилик эмас, умуман олганда, у тарбия муассасаларида ўтказиб келинган, жисмоний куч-қувватни оширишга қаратилган гимнастика машқларига тўла мос келади». Ушбу тенденция французлар ҳукмронлиги пайтида ўз-ўзидан муҳим аҳамият касб этиши табиий эди. Яннинг бу ҳақдаги ёзишмаларидан ҳеч қандай хатарли гоё келиб чиқмайди. «Аксинча, — дейди Ҳофман, — ўсиб келаётган ўспирин йигитлар Ватан хизматига ёшликдан тайёрланаётган экан, бу — юксак мақтовга лойиқ ишдир».

Ҳофман бу нарса албатта, ўзиникини маъқуллашга, такаббурликка, ўзим яхшиман деб, кундалик, оддий тартиботларга бўйсунмасликка ҳам олиб келиши мумкин, деб ўйларди. Сўзма-сўз айтганда: «Бундай вазиятда соф иймон-эътиқод ва ишонч билан батамом тинчлик-осойишталикни чин донишманднинг вазминлигини боғлай оладиган мард одамга эҳтиёж туғилади. Бундай хусусиятлар эса, Янда умуман йўқ эди. Бошлаган барча ишларидан кўриниб турибдики, у тез, қизиққон, рақибларига раҳм-шафқатсиз ва — энг ёмони, буни унинг асарлари ҳамда маърузаларидан ҳам билиб олиш мумкин — ўзини ўзи ҳам яхши тушунмас, ўз фикр ва қарашлари тўғрисида ҳам аниқ тасаввурга эга эмас эди. Кўпинча парадокс (ақлга, мантиққа тўғри келмайдиган фикр)лар, киноя, қочирим, пичинг, аччиқ сўзлар кетидан қувар ва сал бўлмаса Таврот услубини қўллаб, ифодага эскирган, даққиюнусдан қолган шиддатли тус берардики, бу ўз навбатида ёшларга таъсир кўрсатмай қолмасди.

Башарти бу гимнастикачи ёшларнинг ўзини англаши, ўзига ишониши инқилобчиларга қўл келиб қолганда-чи? Ҳофман бундай сиёсий тенденцияни киноя билан шундай шарҳлайди:

«Қаттиқ ҳаяжонланган болаларнинг хатти-ҳаракатлари шўхлик ва тўполонларга олиб келиши мумкин, лекин ҳеч қачон инқилобни ташвишга сола олмайди. Спорт гимнастикасига давлат полицияси нуқтаи назаридан эҳтимол, тоқат қилиб бўлмас, аммо унда ҳеч қандай жинорий ҳаракат йўқ».

Шундай қилиб, Ҳофман ниҳоят, «Ян тергов пайтида ҳибсга олинишини қонуний асослай оладиган ҳеч қандай жазога мустаҳиқ эмас», деган хулосага келган.

Мен сизларга хулосани муфассалроқ келтирдим, чунки у орқали биз судья Эрнст Теодор Вилхелм Ҳофман қиёфасини кашф этамиз. Ҳофман – бизнинг услубимизда – ишли, ишлаган, полиция давлати умумий реставрация шиори остида ўз ҳукмронлигини тобора шубҳа туғдирмайдиган қилиб олиб бораётган бир даврда ҳуқуқий давлат учун меҳнат қилган фаол судья бўлган. Бир гапни қўшимча қилишим керак, Ҳофман ана шундай шароитда комиссия ва жинорий ишлар бўйича Сенат билан тўлиқ баҳамжиҳат иш олиб борган – буни Олий суд ҳурмати учун айтяпман.

Мавжуд сиёсий вазият комиссия пировардида муваффақият қозона олмаганидан далолат беради: Ўз жинорий ишига кўра Колбергга қолиши лозим бўлган Ян 1825 йили Франкфурт-Одер ўлка олий суди томонидан батамом оқлаб ҳукм чиқарилгандан сўнг ҳам, ҳақиқий озодликка чиқа олмаган. Унга Ун-струт дарёси (Заале ирмоғи) бўйидаги Фрайбург шаҳрида қолишга рухсат берилган, аммо шаҳардан ташқарига чиқиши мумкин бўлмаган. У 1840 йилдагина Фрийдрих Вилхелм IV маҳкамаси буйруғи билан тўла оқланган.

Комиссиянинг ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги фаолияти реакцион доираларни ташвишга солмай қўймаган. 1821 йилда жаноб фон Кампц тергов комиссияси бўйсунадиган вазирлик комиссияси тузилишига эришган. Шундай қилиб, Ҳофман 1821 йил 1 декабрда Олий суд қошидаги олий апелляция (шикоят ёки норозилик билдириш) Сенатига чақирилган ва шу тариқа комиссия таркибидан чиққан.

Бироқ сўнгги йиллардаги чексиз машаққатлар уни шу қадар қийнаб юборгандики, оқибатда у қаттиқ бетоб бўлиб, ҳаёт шами сўниб бораётгандек эди. Лекин шунга қарамасдан, у иккиёқлама ҳаёт кечирини давом этган; иккала соҳада ҳам бирдек ёниб, ўз-ўзини қийнаб, ҳолдан тойиб, тинкамадори қуриб, замон, давр адолатсизликлари остида эзилиб меҳнат қилган, кунига улкан ишларни бажаришга эришарди. Унинг полицияга бўлган қаҳр-ғазаби, қонунни очиқдан-очиқ бузишларга қарши дардли норозилиги энди ижодига кўчиб, баралла жаранглай бошлаган. Жаноб фон Кампц ва унинг методларини аччиқ ҳажв тиғи остига олган. У 1822 йил бошларида «Уста бурга» деб номланган эртагига яна бир эпизод қўшган. Бу ҳақда гапириб ўтмасам бўлмайди.

Иттифоқо, Франкфурт шаҳрида қайсидир бир банкир ёшгина бир хонимни ўғирлаб кетиб, уйига қамаб олибди, деган миш-миш тарқалади. Овозага биноан шаҳар суд идораси текширув ўтказди ва ҳеч қандай хоним ўғирланмаганини аниқлайди. Шунда қандайдир майда князлик саройидан Кнаррпанги исмли махфий ҳофрат (чиновник) келиб, шаҳар кенгашидан «айбдор» — ёш, дунёбеҳабар бир фуқарони ҳибсга олишни талаб қилади. Ҳеч ким ўғирлаб кетилмагани, демакки, жиноят ҳам содир этилмагани хусусидаги эътирозга жавобан у: «жиноятчи бор экан, жиноят албатта топилади», дейди.

Бу шубҳасиз, жаноб фон Кампцга теккизиб ёзилган эди. Сиёсий рақиб энди Ҳофманга ташланади. Тергов комиссиясининг ҳурматли аъзосига ҳеч қандай айб қўя олмаслигига кўзи етган Кампц энди ёзувчидан ўч олишга киришади. Босмага тайёрланаётган асар мусодара қилинади, муаллиф эса интизомни бузганликда айбланади. Бундан бутун Берлин дарғазаб бўлади. Жазо ҳам ижро этилмай қолади; 1822 йил 25 июнь куни Ҳофман 46 ёшида вафот этади.

СЎНГГИ СЎЗ

Биз ўзимизнинг немис маданияти тарихимизда бир қанча юрист шоир ва ёзувчиларимизга эгамиз. XV асрда яшаб, ижод этган Себастьян Брантдан бошлаб, Гёте, Клайст, Новалнс, Ахим фон Арним, Айхендорфф, Теодор Шторм, Готтфрийд Келлердан тортиб, то Кафка ва Эрнст Юнгерга қадар. Бундай икки тарафлама, иккиёқлама ҳаёт кечириш албатта, осон эмас. Илгарилари юрист шоир ва адибларнинг иккига бўлинган оламари табиий равишда чуқур илдиз отган яқинлиги, фантазиянинг юксак осмонида ва ерда, кишилиқ жамиятидаги иккиёқлама ҳаёт кечиришлари ҳақида гап кетганда, ҳазиломуз эрталабки идорадаги қоғозбозлик, расмиятчиликлар кечқурунлари Пегас¹⁰ билан то тонгга қадар ўтказиладиган ижод дамлари билан муқояса қилинади. Бугунги кунга келиб эса, биз улкан, қизгин ва жўшқин соҳани кашф этдик, унда инсонлар касб ва истеъдод билан барабар бақамти келиб, фаолият кўрсатган: улар иккиёқлама талабнинг хатарли, таҳликали юкини ортмоқлаб, уддалай олган. Шундагина уларга юридик амалиётдан юксак ижодий куч-қувват билан икки ҳисса, яъни ўз ижодлари ҳамда шахслари учун фойда кўриш насиб этган: уларнинг кўз ўнгида қоғоз, ҳужжатлар қатидаги чанг ва моддалар бағридан Инсон қиёфаси пайдо бўлган; улар ўз ижодларида мана шу қиёфага шакл ва мазмун бахш этганлар. Хизмат бурчларини адо этиш асносида санъаткорона худбинликни енгишни ҳам ўрганишган.

Ҳофманга келсак, юридик мавзу унинг бадиий ижодида кенг ўрин тутганлигини кўрамыз: новелла-

¹⁰ Пегас – юнон афсоналарига кўра, санъат ҳомийси Аполлоннинг қанотли оти; бу ерда: шоирнинг илҳом париси.

ларидан бирига жиноий ишни мавзу қилиб олган бўлса, судья ва адвокатлар ҳикояларидаги воқеа иштирокчиларини ташкил этади, бу эса ёзувчининг ҳаётий тажрибаси ҳамда мутахассис сифатидаги ҳуқуқий билимидан далолат беради.

